

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 73 (10.378)

2005 ЙИЛ 15 АПРЕЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

КЕЧА

● **КЕЧА** "Пойтахт" меҳмонхонасида Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкilotи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликларида шифокорлар иштирокида "Соғлом оила" лойиҳаси доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг истиқболли йўналишлариغا бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** "Маънавият ва маърифат" марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан Сихат-саломатлик йилига бағишлаб тумандаги 2,3-мактабларда ўқувчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбати "Вояга етмаганлар орасида жиноatchилик, ҳуқуқбузарлик, гиёвандликнинг зарарли оқибатлари" деб номланди.

● **ЭРТАГА** Бектемир туман ҳокимлигида "Маънавият ва маърифат" маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар ўртасида "Нотиқлик санъати" мавзусида кўрик-танлов ташкил этилди.

● **КЕЧА** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда, 89-мактабда, "Дамарик" маҳалласида ёшлар иштирокида "Гиёвандлик—келажак кушандаси" деб номланган ҳужжатли фильм намойиши этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳбирларимиз хабарларидан

«Шафақ-текстиль» қўшма корхонасида тайёрланаётган болалар либослари рақобатбардошлиги



билан харидорларни жалб этмоқда.
СУРАТДА: тикувчи Латофат Мирзаалиеванинг сифатли маҳсулот тайёрлашда алоҳида ўрни бор.

Ҳакимжон Солиҳов
олган сурат.

XXI саҳоси

Барча маълумотлардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Тошкентда «Ер қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари» мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

● Тошкент педиатрия-тиббиёт институтининг Нукус филиали ҳузурда «Шифокорлик ўқув маркази» иш бошлади.

● Шу кунгача ҳусусий мулк эгаларига 800 миллион сўмлик кредит ажратган Жиззахдаги «Йшонч» кредит уюшмаси Кредитлар уюшмасининг «Энг яхши молиявий муассаса» унвонини олди.

● Тошкентдаги «Фотон» акциядорлик жамиятида сув иситиш қуёш коллекторларини ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди. Бундай маҳсулотлар Марказий Осиёда ilk бор Республикаимизда БМТнинг «Тараққиёт дастури лойиҳаси» асосида тайёрланаётган бўлиб, унинг қиймати қарийб 340 минг АҚШ долларини ташкил этади.

● Тошкент вилоятининг Бўка туманида «Ёшлар ОИТС, гиёвандлик, ичкиликбозлик ҳамда чекишга қарши» мавзусидаги катта спорт байрами бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Кеча БМТ Бош Ассамблеяси 1998 йилдан буюн муҳокама қилиб келинаётган Ядровий террорчиликка қарши кураш ҳақидаги Конвенцияни қабул қилди. Бу конвенция жуда ёмон оқибатларга олиб келувчи хунрезликларни бартараф этишга қаратилган ilk ҳужжатдир.

● Норвегияда Суданга кўмак бериш борасида донор давлатларнинг конференцияси якунига етди. Донорлар Суданнинг ёрдам тўғрисидаги илтимосини қондиришиб, ушбу мамлакатни қайта тиклаш ишлари учун 4,5 миллиард доллар ажраттиди.

● Грузия ҳукумати АҚШ, Канада, Япония ва Европа Иттифоқи мамлакатлари фуқаролари учун виза тартибининг енгиллаштириш ҳақида қарор қабул қилди.

● Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкilotи дунёнинг 18 давлатидаги 5 мингга яқин лабораторияларда мавжуд бўлган, миллионлаб одамлар ҳаётига хавф солувчи вирусни яқин уч кун ичида йўқ қилишни талаб этмоқда.

Муносабат

ХОТИРА — МУҚАДДАС, ҚАДРАЛАШ — БУРЧИМИЗ

Она юртим, осмонингда булут кўрмасам дейман. Ҳароратли кўёшинг ҳар қандай булутни бир зумда парчалаб ташлаш қудратига эга бўлсада, ҳамisha осмонингнинг мовий денгиз каби тиниқ ва беғубор бўлишини истаيمان. Не ажабки, табиат сирли, ҳаёт мураккаб экан, баъзан бу ёруғ оламда ўзини ўтга урган парвона мисол шошқич, адашган булутлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Ҳар қанча уринмасин парвона куйиб кул бўлади. Бесабаб, бемарид пайдо бўлган булутларнинг ниҳояси ҳам шундай янғили яқун толади. Бу исботини топган ҳақиқат. Она заминимиз, муқаддас тупроғимизга шум ният-ла қадам қўйган ганимларни ўша булут ва парвонага ўшатишим келади.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонлиниши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисида»-ги Фармони билан таниша туриб ҳаёлимдан шундай фикр ўтди. Чиндан ҳам, уруш барча қатори ўзбек халқига ҳам озмунача ғам-андух ва ташвиш келтирмади. Расмий маълумотларга кўра, жангтоҳларда қон кечган ярим миллионлик ўзбек фарзандларидан 45 мингдан ортиғи уруш майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Демак, шунча оила мотам либосини кийди. Болалар етим қолди. Ака-ука, опасингиллар жигарбандларидан айрилди. Урушга кетган мард ўғлонлари бир четини тишлаб кетган нонини умид билан деворда осилгичча сақлаб, Оллоҳдан муъжиза тилаб ҳали ҳам тик этса эшик пойлаб ўтир-

ган оилалар йўқ эмас. Беш йил давом этган машъум уруш барча қатори юртимиздаги бирор бир хонадонни четлаб ўтмади. Орадан шунча йиллар ўтсада, у ҳамон бугун ота-оналаримиз қалбини зирқитиб турибди.

Фронт ортида қолганларга ҳам осон бўлмади. Улар жон-жаҳди билан ғалабани тезлаштириш, фронтни ўзлари етиштирган неъматлар билан таъминлаш учун туну кун қиш деммай, ёз деммай меҳнат қилдилар. Ҳатто ўзлари еб турган бир бурда нонларини ҳам ўзгалар билан баҳам қуришди. Халқимиз олийҳиммат. У ўзининг бу хислатини ўша оғир йилларда яна бир бор намойён этди. Ҳази муҳтожлик азобини тортиб турсада, минглаб жабрдийда оилаларни, етим-есирларни ўз бағрига олди.

Давоми 2-бетда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИДА

Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этишга қаратилган аниқ ва изчл чораларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида айтилганидек, Ўзбекистонда демократик янгиликлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг гоят муҳим шартидир.

Ўзбекистон журналистикаси. Муаммолар ва истиқболлар мавзусида 14 апрель кун Сенатда бўлиб ўтган конференцияда давлатимиз раҳбарининг ана шу дастурий нуқтидан келиб чиқадиган вазифалар, хусусан, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий таъминоти борасидаги вазифалар ҳақида атрафлича сўз юритилди.

Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда ташкил этган конференцияда оммавий ахборот воситалари фаолият олиб бориши учун барча ҳуқуқий шарт-шароит яратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Амалдаги қонунлар мамлакатимизда ва унинг сарҳадларидан ташқарида содир бўлаётган во-

қеалар тўғрисида ҳолис ва ҳаққоний ахборотларнигина эмас, балки ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ҳаётимиздаги долзарб муаммолар хусусидаги ошқора, профессионал тахлилий материаллар ва баҳоларни ҳам кенг жамоатчиликка етказиш учун катта имконият беради.

Давлатимиз раҳбарининг оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, ахборот майдонида бозор муносабатлари ва соғлом рақобатни ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоат фонди ташкил этиш, мамлакатимизда турли мулк шаклидаги оммавий ахборот воситаларининг яхлит тизимини шакллантиришга доир ташаббуслари журналистлар фаолияти-

ни кучайтиришга янги омил бахш этганлиги ҳам конференцияда айтиб ўтилди.

Анжуман иштирокчилари ўз фаолиятларига танқидий муносабат билдириб, ишда ҳамон ўптимиз андозалари сезилиб қолаётганлиги, журналистикада ички цензура, юқоридан буйруқ кутиш сингари салбий ҳоллар ҳанузга қадар барҳам топмаганлигини ҳам эътироф этдилар. Шу боис бундай иллатлардан халос бўлиш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Конференцияда оммавий ахборот воситалари соҳасида ўзгаришларни амалга ошириш, ўзбек журналистикаси олдида турган муаммоларни ҳал этиш амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни тақозо этаётган, деган фикр билдирилди.

Конференция ишида сенаторлар, депутатлар, марказий газеталар ва журналларнинг бош муҳаррирлари, «Узтелерадио» компанияси раҳбарлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг минтақавий вакиллари, журналист кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

ЎЗА

ХОТИРА — МУҚАДДАС, ҚАДРЛАШ — БУРЧИМИЗ

Давоми. Боши 1-бетда.

Бугун биз озодлик учун курашларда мардона жанг қилиб қаҳрамонларча ҳалок бўлган аждодларимиз хотираси олдида бош эгамиз. Бугун биз жангтоҳлардан галаба билан омон-эсон юртига қайтган уруш қатнашчилари олдида таъзимдаимиз. Бугун биз фронт ортида ҳормай-толмай меҳнат қилиб галабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган бобо ва момоларимизни меҳнатини қадрлаймиз. Президентимизнинг 9 майни Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилишларининг замирида ҳам аввало мана шу маъно ётади. Утганларнинг хайрли ишларини хотирламоқ, уларнинг хурматини жойига қўйиш тобора миллий қадрларимиз қаторидан ўрин олаётганлиги диққатга сазовор.

Бугун уруш кўрган отахон ва онахонларимиз жамиятимиз фахри, улар учун барча шароитлар яратилган. Юртбошимиз нуруний қарияларимизга ҳамма ҳақиқатда ахтиром билан ҳаммуҳрилик кўрсатиб келмоқдалар. Биз юқорида тилга олган Фармон эса бунинг исботидир. Йиллар давомида уруш қатнашчилари ва фронт ортида фидойилик кўрсатган ҳамюртларимизнинг хизматлари юксак қадрланди, улардан жуда кўплари ҳукуматимизнинг юксак унвонларига, ор-

ден ва медалларига сазовор бўлишди. Урушга сафарбар этилган ватандошларимиз ҳақида аниқ маълумот берадиган 34 жилди «Хотира китоби» нашр этилди. Уруш қатнашчилари ва ноғиронларининг махсус юбилей медали ва пул мукофоти билан тақдирланиш уларни қадрлаш борасида амалга оширилаётган кўтлуг ишларнинг узвий давомидир.

«Хотира китоби»ни арақлаб турган нуруний отахонни сўхтабга тортамиз.

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Етказганига шукр қилиш керак бўтам, — дейди у бизга шукроналик кайфиятида. — Юртбошимизнинг Галабанинг 60 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчиларини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони биз уруш фахрийларига кўрсатилган ҳаммуҳриликнинг ёрқин намунаси. Инсонни бу қадр қадрлаш, унинг ўтмиш хизматларини эъзозлаш Истиқлолнинг бизга берган неъматларидан бири десак адашмаймиз. Хотира ва Қадрлашнинг яна бир фазилати шундаки, бу кунни биз утганлар руҳи — покларига ҳурмат бажо келтирамиз. Ҳозир атрафга назар ташлаш туриб, юртдошларимизнинг ўз узоқ-яқинлари хотирасини ёд этиб шу табарруқ маскани кезиб юрганини кўриб, бизда инсон хотираси нақадар муқаддас экан-

лигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиб турибман. Бугун мана шу майдон, олам аҳлини танг қолдирган шу муъжизакор мажмуа олдида бош эгиб турган ҳар бир ватандошимизнинг дилида уни яратмиш ташаббускори бўлган Юртбошимиз шаънига бир олам эзгу тилаклар нурланиб турибди...

Отахоннинг сўзларини тинглай туриб, беихтиёр кулогим остида ёдгорлик лавҳаларида номлари битилган биз учун ҳаммаши азиз ва муътабар бўлган зотларнинг қуйидаги ни-долари янрагандек бўлди.

«Авлодлар, биз сизларни севардик, раҳмат, сизлар ҳам бизни унутмабсизлар. Бахтимиз кўши ярақлагани шукки, йиллар ўтсада, изсиз кетмадик. Жисимиз қайдадир қолган бўлсада, номимиз халқимиз тилида эъзозланиб, мангуликка дахлдор бўлди».

Айни дамда оташнафас шоир Ҳамид Олимжоннинг қуйидаги мисралари ёдга тушади:

**Жисимиз йўқолур, ўчмас номимиз,
Галаба тўйида бўлармиз биз ҳам.
Азиз дўстлар билан учрашиб хандон,
Қадрдон элларга кўярмиз қадам.**

Чиндан-да жон фидо қилган ҳамюртларимизнинг номлари биз билан абадий барҳаёт.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ



Эшитишимга қараганда алоқа соҳаси ходимлари учун даромад солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар мавжуд экан. Шу тўғрисида билмоқчи эдим.

**Д. Насруллаев,
муҳандис.**

Солиқ Кодексининг 55-моддасига асосан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдан қабул қилинган «ўта зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг (яъни фуқароларнинг) айрим тоифаларидан имтиёзли даромад солиғи ўндириш ҳақида»ги 72-сонли қарорига мувофиқ, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун, шу жумладан, алоқа ходимлари учун ҳам, уларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари миқдоридан даромад солиғи имтиёзли равишда, яъни олинган даромаднинг 25 фоизигача бўлган миқдорда ўндирилди. Шароити зарарли ва оғир ҳамда ўта оғир, ўта зарарли бўлган ишлар, касб ва лавозимларининг рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 3-руйхатда алоқа соҳаси ходимларининг бир қатор тоифалари қайд этилган бўлиб, улар жумласига: пайвандловчи кабелчи; шаҳар телефон станциялари телефончилари; шаҳар телефон тармоғи маълумотлар хизматининг телефончилари ва бошқа бир қатор шахслар кирди. Яъни, 3-руйхатда кўрсатилган алоқа соҳаси ходимлари ҳам олинган даромадларининг 25 фоизигача бўлган миқдорда, ишловчи хотин-қизлар эса 20 фоизгача имтиёзли даромад солиғи тўлайдилар.

Болаларни парваришlash билан банд бўлган шахсларга нисбатан тўлиқсиз иш вақти белгила-ниши ва кўшимча дам олиш кунини берилиши мумкинми?

**М.Рашидова,
ҳамира.**

Меҳнат Кодексининг 229-моддасига асосан, ҳомилдор аёлнинг ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор бўлган ёки ўн олти ёшга тўлмаган ноғирон боласи бор аёлнинг, шунингдек, олинган бегоб бўлиб қолган аъзосини парваришlash билан банд бўлган шахснинг (ҳодимнинг) илтимосига кўра ҳамда тиббий ҳулосага мувофиқ иш бериувчи уларга тўлиқсиз иш кунини ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

Тўлиқсиз иш вақтида ишлаган ҳодимнинг меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга йўл қўйилмайди. Меҳнат Кодексининг 119-моддасига кўра тўлиқсиз иш вақтида ишлаганилик учун иш ҳақи ишланган вақтга ёки бажарилган ишга (ишлаб чиқарилган маҳсулотга) мутаносиб равишда тўланади.

Яна шунинг таъкидлаш жоизки, ўн олти ёшгача ноғирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига давлат ижтимоий сугуртаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойда бир кунлик иш ҳақи сақланган ҳолда кўшимча дам олиш кунини берилади.

Меҳнат Кодексининг 230-моддасида ушбу имтиёз белгилашга қўйилган.

Барча ходимлар йиллик меҳнат таътили олишга ҳаққими?

**Д.Холмуродова,
ишчи.**

Меҳнат шартномаси тузган ҳамда иш бериувчи билан меҳнатга оид муносабатларни йўлга қўйган ҳар бир ҳодим мuddати қонун ҳужжатларида белгиланган йиллик меҳнат таътилинини олиш ҳуқуқига эга.

Ҳодимларнинг йиллик меҳнат таътили олиш ҳуқуқи иш жойига, бажариладиган меҳнат вазифасига, корхонада амалга оширилаётган ҳужжатли фаолият шартномаси мuddати, иш вақти тартибига ва меҳнат шартномасининг турига боғлиқ эмас.

**Хурматли ҳамшаҳарлар!
Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 теле-фонига кўнгирок қилсангиз ма-лакани мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мак-туб ёзинг, кўнгирок қилинг.**

ЖУРНАЛИСТЛАР ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Бир неча ойдирки, мамлакатимизда икки палатали парла-мент фаолият юритмоқда. Зеро, муҳим сиёсий воқеа - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатга илк сайловлар демократик тамойиллар асосида очик ва ошқора, халққор нор-малар доирасида, сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик та-лабларига мос ҳолда ўтди.

Бир неча ойдирки, мамлакатимизда икки палатали парла-мент фаолият юритмоқда. Зеро, муҳим сиёсий воқеа - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатга илк сайловлар демократик тамойиллар асосида очик ва ошқора, халққор нор-малар доирасида, сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик та-лабларига мос ҳолда ўтди.

Сайлов кампанияси арафаси-да Марказий сайлов комиссия-си Ўзбекистон Фуқаролик жамия-тини ўрганиш институти билан ҳамкорликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сена-тига сайловни мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича танлов эълон қил-ган эди.

Фуқаролик жамиятини ўрга-ниш институтида ана шу танлов

ғолибларини тақдирлаш мароси-ми бўлиб ўтди.

Мазкур институт директори А.Раҳмонов, Марказий сайлов комиссияси раиси вазиқасини бажарувчи С.Ҳўжаева ва бошқа-лар сайлов жараёнини ҳар то-монлама, тезкор ва ҳаққоний ёритишда республикаимизда фа-олият юритаётган ахборот аген-тликлари, газета, радио ва те-левидение журналистлари фаол иштирок этганини алоҳида таъ-кидлади. Танловда марказий ва

маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан ўттиз нафардан зиёд журналист ижодий ишлари билан иштирок этди.

Танлов якунига кўра Ўзбеки-стон Миллий ахборот агентлиги ЎзА Республика ахбороти тахри-рияти бош муҳаррирининг бирин-чи ўринбосари Фулом Мирзо би-ринчи ўринга муносиб деб то-пилди. У бош соврин - замона-вий компьютер билан тақдирлан-ди.

«Народное слово» газетаси ижтимоий-сиёсий бўлими муҳар-рири Платон Дюгай ҳамда «Узтелерадио» компанияси «Давр» дирекцияси муҳаррири Гулноза Ҳусановага иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Уларга телевизор топширилди.

Шунингдек, танловнинг бош-қа иштирокчилари рағбатлан-тирувчи совринлар билан тақ-дирландилар.

(ЎзА)

«АБИТУРИЕНТ- 2005» ЛОЙИХАСИ — АМАЛДА

Фарзанди қамолот босқи-чида турган ҳар бир ота-она ўғил-қизи олий маълумот олиб ёки бирор касб-хунар-ни эгаллаб, эл-юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб ети-шишини орзу қилади.

Мамлакатимизда бунинг учун барча шарт-шароит мўҳайё. Юз-лаб касб-хунар коллежлари, ака-демик лицейлар ва олий ўқув юр-тлари иқтидорли, изланувчан, ўз соҳасига сидқидилдан қизи-кадиган йигит-қизларга мунта-зир.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенга-ши амалга ошираётган «Абиту-риент - 2005» лойиҳаси изланув-чан ёшларга қўл келиши шубҳа-сиз. Лойиҳага биноан пойтахти-миздаги барча олий ўқув юр-тларида «Очиқ эшиклар кўни» ўтқа-зиляпти. Тошкент архитектура-қурилиш институтида ўтган ана шундай тадбирда пойтахтимиз-даги умумтаълим муассасалари, коллеж ва лицей битирувчилари иштирок этди.

Профессор-ўқитувчилар ва ўқувчи-ёшлар мулоқотида мазкур институт фаолияти, таълим йўна-лишлари, амалга оширилаётган янги илмий тадқиқотлар, халқа-ро алоқалар, талабаларнинг илм-фан соҳасидаги ютуқлари ҳусусида маълумот берилди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎА муҳбири.**

Президент Ислом Каримов Парламент палаталари кўшма мажлисидаги маърузасида таъ-кидлаганидек: «Конституцимиз, республикаимизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халққор меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очик-лик ва сиёсий бағрикентлик шароитида ўтган сайловлар мам-лакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакл-лантириш йўлида дадил қадам-лар билан илгари бораётгани-нинг яна бир ёрқин далили бўлди».

Ҳар бир сайловчи овоз бериш чоғида ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода қилди. Бунинг дунёнинг кўп-қисми мамлакатлари ҳамда хал-ққор ташкилотлардан келган ва сайлов жараёнини беғосита ку-затган икки юздан ортиқ хори-жий кузатувчи ҳам эътироф этди. Сайлов жараёнини мамлақати-миз ва хорижий юзлаб омма-

Токиода «Хорижий ёшлар таълими» дастурини жамоатчиликка тақдим этиш маросими бўлиб ўтди. Япония Халққор ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) томонидан таъхассис этилган мазкур дастурда Марказий Осиё мамлакатларидан 80 нафарга яқин ёш мутахассис иштирок эт-тир. Улар орасида 20 нафар Ўзбекистон вакиллари бор.

ТОКИОДА ЯНГИ ДАСТУР ТАҚДИМОТИ

Маълумки, Япония ҳукумати Марказий Осиёда таълим соҳа-сида замонага мос равишда ўзга-ришлар ясаб жараёнида фаол қатнашаётир. Бир йил му-қаддам «Марказий Осиё + Япо-ния» мулоқотининг жорий этил-гани икки ва кўп томонлама му-носабатларни сифат жиҳатдан янада ривожлантириш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Токиода иш бошлаган мазкур «Хорижий ёшлар таълими» дас-тури Марказий Осиё мамлақат-лари ва Япония ҳукумати ўрта-сида кадрлар тайёрлаш ва ёш мутахассислар малақасини оши-риш борасида кенг қамровли ҳамкорликни кўзда тутадиган лойиҳалардан бири ҳисоблана-ди.

Ушбу дастурда иштирок эта-

ётган минтақамиз вакиллари уч ҳафта давомида маъмурий ва маҳаллий бошқарув тизимлари, оммавий ахборот воситалари, савдо-сарможий ва тадбирқор-лик фаолиятига доир маҳаллий тажриба билан яқиндан таниша-дилар.

**Акмалжон ҚўЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири
Токио.**

Ўқуққор муҳофазаси

МАШҒУЛОТЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралда эълон қилинган «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган эди.

Шундан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар Фа-вуқлолда вазирлар бошқармаси раҳбарияти ташаб-буси билан бошқарма мутахассислари Чилонзор туман ҳоқимлиги, туман давлат солиқ инспекцияси, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази вакиллари билан ҳамкорликда «Наврўз» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 11 та ҳамда «Ором-қумдўлғач» уй-жой мулкдорлари ширкати тасар-руфидидаги 9 та кўп қаватли уйларнинг худудларини тартибга келтириш ва ободонлантириш ишларини назоратта олиши ва аниқланган камчиликларни бар-тароф этиш бўйича ушбу ширкатлар раисларига йўриқномалар берилди. Шунингдек, фуқароларга би-

лан ҳамкорликда зилзила, сув тошқини, юқумли ка-салликларнинг олдини олиш бўйича махсус тактик машғулот ўтказилди.

Тадбирда пойтахт Фуқаро муҳофазаси хизматла-ри, Тошкент шаҳар худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси, «Тошшаҳаргаз» худудий газ таъмино-ти корхонаси, Архитектура ва қурилиш бош бошқ-армаси, «Сувосоз» трести ДУК, «Тошсисқиқувват» ИЧБ, «Тошкентлифттаъмир» трести, «Махсустрас» бошқармаси, шаҳар канализация бошқармаси, электр тармоқлари корхонаси ва «Тошшаҳарнур» ДУК раҳбарлари қатнашдилар.

Хуснияҳон ТОҶИБОЕВА

Биласизми?

**ЎЗГАЛЛИК
УЧУН**

Бутун тарих мобайнида одамлар қарама-қарши жинсдаги кишилар диққатини ўзига тортиш мақсадида ўзгаллик интилганлар. Бу борада айниқса, аёллар муваффақият қозонишган экан.

Аммо ўзгаллик ҳақидаги тушунча ҳар бир халқда турлича талқин қилинган. Натижада юз кўриниши диққатга молик бўлмаган мавжудотлар пайдо бўлган. Уларни бадбашара одамлар десак, янглишмаган бўламиз...

Эрамиздан аввалги II асрда хитойлик аёллар болалигиданоқ махсус оғрикли машғулот ёрдамида ўсиш жараёнини ушлаб турганлар. 3 яшарлик қизчининг оёғидаги бармоқлар пастга қайрилиб, шу кўйи мато билан маҳкам ўраларди. Улар шу алфозда бутун ҳаётлари давомида ҳаракатланишарди. Узунлиги 9-7 сантиметрга етган товон эса катта ёшдаги аёллар учун мейёр ҳисобланган.

Қизларнинг товонларини боғлаш амалиёти Хитойда 1912 йилгача давом этди. Кичик оёқлар аёлларни тиззаларини букмасдан майда қадам босишга мажбур қилган, деб ҳисобланар эди. Бу эса оёқларнинг касалланишига олиб келди. Бундан ташқари, товон суюқларининг ривожланмай қолиши тоснинг кенгайишига олиб келдики, бу аёлга бола туғишини осонлаштирганмиш.

Бу каби одат ҳозирги кунда Парагвай чегарасига яқин шимолий-шарқий Аргентинада истиқомат қилувчи хиндулар қабила-сида сақланади. Туғилганидан кейин бир неча ой ўтгач, ўғил болаларининг оёқ бармоқларини кесиб ташлашади. Ушбу маросим қабила кўшиқлари билан жанг қилган даврлардан буён сақлини келинмоқда. Оёқларда бармоқларнинг йўқлиги — бундай жангчиларни тақиб этишни кийинлаштиради. Чунки уларнинг қайси йўналишида ҳаракатланаётганини аниқлашнинг имкони йўқ эди.

Ўз тирноқларини ақл бовар қилмас даражада ўстирган хитойлик, корейлик ва япониялик мандаринларнинг одати ҳам ғалати. Улар кейинчалик бирор бир ишни бажариш мақсадида фақат кўрсаткич бармоқдаги тирноқларини кесиб туришган экан. Энг узун тирноқлар эса шанхайлик Монахга тегишли. У тирноқларини у эмас бу эмас; 27 йил кесмаган! 1910 йилда эса «бурама белкурак» тирноқларнинг узунлиги 58 сантиметрга етганди.

Аксарият африкалик қабила-ларда аёлларга йилдан-йилга бўйинларига биттадан мис халқалар кўшилади-да, гардани чўзилтирилади. Агар бундай машғулотни болалигиданоқ бошласа, табиийки 35 сантиметрлик бўйинга эга бўлиш мумкин.

Энг даҳшатли эски одатлардан бири, бош чаноғи тузилишини ўзгартириш. Бу амалиёт Бразилиядаги Гуарана хиндулари, жанубий африкалик Маврлар ва бошқа кўплаб халқлар аъён-налариди муҳим ўрин тутган. Майя ва атстеклар бош чаноғининг маълум даражада ўзгартирилиши одам миёсига ғайритабиий таъсир кўрсатишини кузатганлар. Шу туфайли улар янги туғилган болалар бош чаноғини ўзгартиришга уринган.

XIX асрда Маранон дарёси қирғоқларида яшаган перулик хиндулар эса тахтачалар ёрдамида бошининг пешона, орқа ва чакка қисмларини ўзгартирганлар. Натижада тўртбурчак шаклли бошлар юзага келганди!

Спорт


Шаҳримиздаги шахмат клубида 16 ва 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон биринчилиги беллашувлари давом этмоқда.

**ТОШКЕНТЛИК
ШАХМАТЧИЛАР
ОЛДИНДА**

Ҳозиргача ўтказилган тўрт тур натижаларига кўра турнир пешқадамлари аниқланди. Қувонарли томони шундаки, ҳар иккала ёш тоифаси бўйича ҳам шаҳримиз шахматчилари етакчилар сафида бормоқда.

Жумладан, 10 ёшли ўсмирлар ўртасида пойтахтимиз вакиллари-дан Александр Касьян, Андрей Квон, шу ёшдаги қизлар орасида Ирина Геворгян, 18 ёшлилар баҳсида Алексей Яшинлар турнир қолибчилиги даъвогарлик қилишмоқда.

(Ўз мухбиримиз)



Шаҳримиздаги маданият масканларида бугунги кунда ёш санъатсеварлар санъатчиларини ўрганиб ўз истеъодларини намойён этиб келмоқдалар. Жумладан ёш истеъодлар маскани бўлган Ибн Сино маданият марказининг «Умид» студиясида ҳам кўплаб ёшлар ўз санъатлари билан нафақат шаҳримизда, балки чет мамлакатларда гастроль сафарларида бўлишмоқда.

СУРАТДА: «Умид» студиясининг энг ёш аъзолари ака-ука Қаҳрамон ва Санжар кичик сахна томошасини машқ қилишмоқда.

Мақдониёт

«ОЙСИЗ ТУНЛАР»

Яқинда Алишер Навоий номидаги санъат саройида «Ойсиз тунлар» деб номланган бадиий фильмнинг оммавий ахборот воситалари учун махсус тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Фильм сўнгги вақтларда экран юзини кўраётган бир қанча янги кинолардан тубдан фарқ қилади. Қувонарлиси шундаки мазкур фильмга бирорта ҳам эстрада кўшиқчилари ёки машҳур актёрлар тақлиф қилинмаган.

Фильмни томоша қилар экансиз ёш актёрларнинг иқтидорига таъбирмай илоҳингиз йўқ. Ижро этилган кўшиқлар ҳам кино учун махсус ёзилган.

«Ойсиз тунлар» фильмнинг сценарий муаллифи ва режиссёр Шавкат Жайрон, оператори Азизбек Шокиров, ижрочи продюссер Исмоилбек Солиҳов, асосий ролларни Аваз Рустамов, Нилуфар Иминова, Шерзод Эрматов, Гулмира Пирматова, Обид Саидбурханов, Мавлуда Бойматова, Сойиб Мирзаяев, Барно Мирзакаримовалар ижро этишган.

Фильмнинг асосий мавзуси эса ҳеч қачон эскирмайдиган ва ҳамيشа голиб бўлиб келган соф мухаббатдир.

Шавкат ЖАЙРОН, режиссёр: — Фильмда

рўй берган воқеалар ҳаётдан олинган. Банк бошқарувчисининг хотини вафот этган, унинг ҳаётида ойсиз тунлар, зулматли кечалар бошланади. Аммо кутилмаганда айнан рафикасига ўхшаш аёлни учратиб қолади, фарзанди эса онам деб ўйлаб унга томон талпинади... Фильмимиз орқали томошабинни ҳаёт синовлари олдида гангиб қолмасликка, бардошли бўлишга, мақсад сари олға интилишга ундашни ният қилганмиз.

Аваз РУСТАМОВ, бош ижрочи актёр: — Жойларда истеъодли актёрлар жуда кўп. Улар ҳам бир чекдада қолиб кетмасин, ўзларининг маҳоратларини тўлалигича намойён этсинлар дея фильмга машҳур юлдузларни тақлиф этмадик. Натижада эса ёш юлдузларни ўзимиз кашф қилдик.

Дарҳақиқат, фильмни томоша қилар экансиз умуман экранда кўринмаган ёшлар ролларини маромига етказиб ўйнаганларига ҳайратланасиз. Мусиқали мелодрама жанрида 7 ой мобайнида суратга олинган «Ойсиз тунлар» филь-

мига, мусиқа ва кўшиқларни Шавкат Жайроннинг ўзи ёзган ва ижро этган.

Очигини айтадиган бўлсак, ушбу фильм кейинги пайтларда ишланган кинолар ичда анча ҳаётий эканлиги, воқеаларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги билан бирмунча ажралиб туради. «Хамроҳ» ва «Хушкўнгул» студиялари томонидан суратга олинган «Ойсиз тунлар» кинотасмасини кўрсангиз сира афсусланмайсиз.

Тез кунларда фильм экранларда намойиш қилинади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: «Ойсиз тунлар» фильмидан лавҳа.



ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЙЎЛОВЧИЛАР
ДИҚҚАТИГА!**

Шароф Рашидов кўчасининг А.Навоий кўчасидан А.Қодирий кўчасигача бўлган қисмининг ёпирилиши сабабли 57-автобус йўналиши қатнов йўли 2005 йил 13 апрелдан бошлаб қисман ўзгартирилади ва қатновлар Хуршид кўчаси орқали Зулфияxonим, У.Юсупов, А.Навоий, Ш.Рашидов кўчалари орқали бир томонлама бориб, ўзининг илгариги йўналишида давом этади. Орқага қайтишда Ш.Рашидов кўчасидан бошланиб, А.Навоий, У.Юсупов, А.Қодирий кўчалари орқали юриб, ўзининг илгариги йўналишида давом этади.

«Тошшаҳарйўловчигранс» акциядорлик компанияси

**ЙЎЛОВЧИЛАР ВА ҲАЙДОВЧИЛАР
ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент Ҳалқа автомобиль йўлининг қайта қурилиши давомида транспорт кўприги мажмуаси барпо этилиши муносабати билан Янги Сергели кўчасининг Чоштона кўчасидан Тошкент Ҳалқа йўлининг 61-километригача бўлган масофада жамоат транспортдан ташқари барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати 2005 йилнинг 11 апрелидан бошлаб навбатма-навбат икки ой муддатга чекланади. Қурилиш ишлари тугагунга қадар жамоат транспорт ҳаракати йўлнинг бир қисмида, икки томонлама ҳаракат хавфсизлиги таъминланган ҳолда ташкил этилади.

«Тошшаҳарйўловчигранс» акциядорлик компанияси



**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
республика бирлашмаси**

Тошкентбўй Жамбоғтев номидаги Тошкент Давлат цирки

**2005 йил 18 мартдан
Диққат! Диққат!
КУТИЛМАГАН ВОҚЕА**

Тошкент Давлат циркида
ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ
транзит йўли асосида жаҳонда ягона
РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ

18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг!
Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.
Жума, шанба, якшанбада
Биз Сизларни ўз шоуимизда кутамиз Келганингиздан афсусланмайсиз!!!
Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Чипталар цирк кассаларида сотилинмоқда. Ҳақ турли шаклда тўлашни мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очик.

**Маълумотлар учун телефонлар:
144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Шарқ дурдоналари



● ХИКОЯТ. Бир киши ўз ўғлини ҳаёт учун зарур бўлган баъзи фанларни ўрганиш учун бир муаллимга топширди. Байт:

Дунёнинг қарори илм биландир, Илмсиз кишига йўқдир эътибор.

Бир кун муаллим онасига шикоят қилиб: «Ўғлинг илм ўрганишга унамаяпти, вақтини ўйин-кули билан зое ўтказмоқда» — деди. Байт:

Хар инсон илмдан тополса баҳра, Иши ўқиб ила саволу жавоб!

Онаси муаллимдан: «Билмадингми, унинг табиати қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишга қобил?» деб сўради. Муаллим: «У касб ўрганишдан ўтиб, қобилиятдан махрум бўлган. Билишмича, унинг хотири маҳуб учун нигорон, дили эса машуқ юзига ҳайронга ўхшайди:

Ўзи меҳнатга оживо боши савдога лиқ тўла,

Бугун эртанинг фикри ҳақида ўйламас асло!

Агар мен илму иймондан савол қилсам у васлу ҳижрондан гапиради, агар мен аҳлолу ҳаромдан ҳикоя қилсам у зулф ила холдан оғиз очади». Онаси деди: «Ишқ кўчасидан юришнинг оқибати саломатлик бўлмаса ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишқ изтиробли бўлса ҳам, аммо ошққ бўлиш ихтиёрий эмасдир! Байт:

Домга тушган ночор қушнинг ҳолини,

Озод юрган бургут бйлмас ҳеч қачон.

Қафасдаги булбул нолишин эса,

Ёр-ла юрган қапгар сезмас бегумон.

Уни озод қил! Ишқдан шундай хосият борки, у кишини лафозатли, назокатли ва ҳушёр қилади! Байт:

Хар кимсанинг боғи ила бўстонлари бўлса ҳам,

Хушнуд эмасдир ҳаргиз унда ёри бўлмаса.

Кўнгил бермоқки бировга,

ҳаётнинг ўзи шулдир,

Жонсиз сувратдир кимнинг гулузори бўлмаса.

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ

Келгуси ўн йиллик БМТ томонидан Барқарор ривожланиш мақсадидаги таълим ўн йиллиги деб эълон қилинди. «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти ҳамда Халқ таълими вазирлиги шу муносабат билан, шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини шакллантиришга доир ишларни жонлантириш учун «Барқарор ривожланиш мақсадидаги таълим» мавзuida анжуман ўтказди. Унда давлат ва жамоат тузилмалари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан барқарор ривожланиш концепциясининг муҳим қисми саналган таълим тизими ислохоти босқичма-босқич амалга ошириляётир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, Халқ таълими вазирлиги ўринбосари У.Мусаев ва анжуманнинг бошқа иштирокчилари чиқишларида бу янгиланишлар муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда атроф-муҳит муаммоси, уларни ҳал этиш ва оғохлантириш йўлларини топш аҳолининг экологик билим даражасини ошириш, экологик маданиятни шак-

ллантириш, яъни экологик таълимни узлуксиз ўқитиш жараёни сифатида ривожлантириш зарурлигини талаб этиши ҳақида сўз борди. Экологик таълимнинг мақсад ва вазифалари 2002 йилда Йоханнесбургда бўлиб ўтган Барқарор ривожланиш бўйича жаҳон саммитида умумлаштирилган эди.

Ўзбекистонда бундай таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш инсон ҳамда атроф-муҳитга амалдаги қонунчиликка мувофиқ интеграциялашган ҳолда ёндашув асосида амалга оширилмоқда. Олий ўқув юртлиларида экология кафедралари ташкил этилган, мактабга таълим муассасаларида эса экология соатлари ўтказилляпти.

Республикаимиз аҳолисининг табиатни

муҳофаза қилиш масалаларидан хабардорлигини кенгайтириш борасида 30 га яқин жамоат ташкилоти, жумладан ўз мақсадли дастурларини амалга ошираётган «Экосан» ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга анжуманда олий ўқув юртлири, коллежлар, лицей ва мактабларда ўшу фан ўқитувчилари ва эколог олимлар ўртасидаги алоқа талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Мамлакатда амалга ошириляётган экологик таълим ва тарбия концепцияси самарадорлигини ошириш тўғрисида тақлифлар билдирилди. Бу борада тегишли оммавий ўқув адабиётлари, услубий материалларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш, интерфаол ўқитиш услубларидан фойдаланган ҳолда замонавий экологик таълим дастурларини жорий этиш, ўқитувчилар учун туркум семинарлар ташкил этиш зарур.

Анжуманда буларнинг барчаси «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури вазифаларига ҳам мос келиши қайд этилди. Хусусан, дастурда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларига, одамларда ўз соғлигини сақлашга онгли муносабатда бўлишга қаратилган ҳаётий фалсафани шакллантиришга катта эътибор берилган.

ЎЗА.

МЕЪЁРНИ УНУТМАЙЛИК

Ҳамма нарсада меъёр бўлгани яхши. Меъёрдан ортиқча таом истеъмол қилиш кишини беҳузур қилади. Кўп гап қуллоққа ёқимсиз эшитилади, ҳатто меъёридан ортиқ мусиқа ва кўшиқни ҳам инсон кайфияти унчалик кўтармайди. Бир донишманд: «Агар меъёрдан чиқиб кетилса, тўқликнинг ҳам, очликнинг ҳам, бошқа нарсаларнинг ҳам хосияти бўлмайди» деган экан. Навоий бобомиз эса меъёрга таъриф бериб: «Сихат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема» деганлар. Зеро, хар нарсанинг ози ширин.

Лекин афсуски биз кундулик ҳаётда ҳамма ҳам шунга амал қиларемаймиз. Айттайлик ишдан ҳориб-чарчаб уйга қайтганингизда турмуш ўртоғингиз бир баҳона топиб тўхтовсиз ша-

ланди. Ҳали уч-тўрт қошиқ ейишга улгурмай ошналаримиздан бири индамай таомдан қўлини тортиди. Кейин иккинчи ва учинчи дўстларимиз шундай йўл тутишди. Хуллас ҳеч биримиз мактовни келтирилган лағмонни охиригача тановул қилолмадик. Таом бизга манзур бўлмади. У совиб қолган, бунинг устига хамир ивиб пишган, мазаси ҳам унчалик эмасди.

— Нима қиламиз биттадан сомса еб кўя қоламизми?
— Кабоб буюра қолайлик.
Хуллас хар иккаловидан бир данодан буюрдик. Очиги, уларни ҳам иштаҳасизлик билан тановул қилдик. Сабаби сомсанинг ичи тўла пиёз. Кабоб эса маза-матрасиз эди. Хисоб-китоб отнинг калласидек бўлди.
— Яхши боринглар, келиб туринглар, сизларга хизмат кўрсатишдан миннатдоримиз, — деди бизни кузатаркан ходима.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

нгиллаб турса ёки йўлда учраган ширакайф дўстингиз қўлингиздан маҳкам ушлаб олиб бўлар-бўлмас гаплар билан бошингизни қотираверса қандай ҳолатга тушасиз. Бу «ташвишлар»дан бироз холи бўлиб дам олиш мақсадида телевизор мурватини бурасангиз унда берилбаётган яхши эшиткиришлар орасида ёмиғида бодраб чиққан кўзиқориндек унар-унмасга бир турдаги рекламаларни қайта-қайта такрорлайверсалар асабингиз кўзимайдики? Узингизни аранг босиб телевизорни бошқа каналга олсангиз худди ўчакшигандек у ерда ҳам ўша рекламани намойиш қилиб турган бўлишди. Вой тавба, бу қанақаси дейсиз. Нима бало қайта-қайта такрорлайверган билан ёки чиқадими, дейсиз хубонингиз ошиб.

Ҳозир турли лотерея ўйинлари шу қадар кўпайиб кетдики, «ойнаи жаҳон» уларни реклама қилишдан чарчамаётгандек кўринади. Тўғри, иқтисод деган гап бор, реклама пул. Лекин юқорида айтганимиздек ҳамма нарсанинг ҳам чегараси, меъёри бор-да ахир. Бир йигит тез-тез экранда кўриниб: «ЭФ 1 ишончли ўйин» деб турса, машур сўхандон дақиқа сайин гоҳ у каналда, гоҳ бунисида «Бугун Эколотда ҳақиқий байрам» деб турса, номи таниқли санъаткор «Аъло ўйинчи»ни турли мақомада таърифлаб турса кўрган кўзга, эшитган қуллоққа ёқадими? Биз рекламага қарши эмасмиз. Лекин меъёрни унутманг, хар қандай ҳатти-ҳаракат меъёрдан ошса фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтиради демокчимиз, холос.

ХИЗМАТГА ЯРАША БЎЛСА

Тушлик пайти катта йўл ёқаси бўйлаб борардик. Йўл-йўлақай қатор кетган ошхоналар. Албатта хусусий. Чиройли кийиниб олган, хушбичим қизлар рўпарамиздан чиқиб турли таомларнинг номларини айтиб: «Ошхонамизга марҳамат, сизга сифатли ва намунали хизмат кўрсатамиз», деб кўярда-қўймай ўтган-кетгани ичкарига тақлиф этишади. Барча қатори биз ҳам уларга раҳмат айтиб йўлимизда давом этамиз. Шунда дўстларимиздан бири:

— Бизда ҳам рақобат кун сайин кучайиб борапти. Чиройли қизлар пешвоз чиқиб хўрандаларни кўтиб олса яхшида, — деб қолди.

Унинг шу гапи баҳона бўлиб серткаллуф қиз чорлаб турган ошхонага кирдик. Таомхона тоза, озода, стол-стуллар жойида. Оппоқ дастурхон ва унинг ўртасига қўйилган бир ваза гул столни янада очиб юборган. Лекин тушлик бўлишига қарамай таомхонада хўрандалар кам. Бунинг боисини кейин тушундик.

Бизга хизмат кўрсатадиган ходима қиз олдимизга югуриб келди.

— Хуш келибсизлар ошхонамизга. Хизмат, нима буюрасизлар, — дея таомлар рўйхатини олдимизга қўйди.

Бамаслаҳат ярим косадан лағмон буюрдик. Хизматчи қиз бир зумда истагимизни бажо келтирди. Лағмонхўрлик бош-

Кўчага чиққач, дўстларимиздан бири: «Усти ялтироқ, ичи қалтироқ ошхона шу бўлса керакда» деган гапни айтди. Унга яна биримиз: «Хизмати аъло, таомда эса йўқ маъно» деб қўшимча қилдик. Қиз энди ошхоналарда тайёрланадиган таомлар ҳам ҳаммиша хизматга яраша аъло даражада бўлса, нур устига нур бўларди.

АҲИЛЛИКДА ГАП КЎП

Яқин биродарим Хайдаржоннинг икки ўғли ота вафотидан кейин ҳовлини ўртасидан бўлишайтиб, икки метр ер устида сан-манга бориб қолишибди. Бу воқеани эшитиб, уларнинг хузурига бордим. Ака-укалар менга ўзларининг ҳақ ақаниларини тушунтира кетишди. Сўзларини тинглаб бўлгач, уларга бир ҳикоятни айтиб бердим.

Қадим замонда аҳил ака-ука ўтган экан. Улар икки таноб ерда дехқончилик қилишар экан. Хар йили ўз ерларига бугдой экишга аҳд қилишибди. Биринчи йили хосил мўл бўлибди. Бугдойни ўриб, янчиб олишибди. Йиллик хосилни иккага бўлиб уйига таший бошлабдилар.

Ака-уқанинг битта араваси бор экан. Улар от-уловдан галмагалдан фойдаланишарди. Акаси от-аравага бугдой ортиб уйга жўнаганида укаси ўзича ўйлабди.

— Мен-ку сўқабосман, акам бола-чақалик. Шундай экан унга ўз улушимдан уч-тўрт қоп бугдойни қўшиб қўйсам ёмон бўлмас, — деган ниятда ўз улушидан тўрт қоп бугдойни акасининг бугдойига қўшиб қўйибди.

Ака келиб қараса қолганда бугдойлар анча кўпайиб қолибди. Укаси кетгач у ҳам ўйланбди.

— Мен-ку ўйланганман, бола-чакам бор, укам бўлса ҳали ўйланмаган, унга ёрдам берай, уй қуриб олсин, ўйлансин, деб ўз улушидан беш-олти қопни уқанининг бугдойига қўшиб қўйибди. Шундай қилиб ака-ука бугдойларини уйга ташиб адоига етишолмас эмиш.

Буни кўрган бир хасадчи ака-уқанинг олдига келиб: — Нима бало қанақа бугдой эккан эдиларинг, бир ҳафтадан бери ташиб тугатолмайсизлар, — деб сўрабди.

Хасадчи хар қанча куюниб ох-воҳ қилса ҳам аҳил ака-ука ўз билгилариндан қолишмабди. Улар шу аҳиллик туфайли хар йили бир-бирларига химмат кўрсата-кўрсата бой-бадавлат бўлиб кетишган экан.

Аҳиллик бахт-саодат келтиради, деб беҳиз айтишмаган. Сизлар ҳам ака-уқасизлар, бир онанинг қорнидан талашиб тушгансизлар. Шундай экан, ўртадаги гина-қудуратни унутиб, аҳил бўлинглар, болаларим. Ер топилади, лекин жигар топилабди. Бу гандан қандай хулоса чиқарш сизнинг виждонингизга ҳавола, дея сўзимни тамомладим. Ака-уқалар узоқ ўйланиб қолишди.

Эртасига эшитсак улар қилмишлари учун бир-бирларидан кецирим сўрашиб, бир битимга келишибди. Эшитиб хурсанд бўлдик.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар — 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулда босилди.
3868 нусха босилди. Қўзғаткичи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Наир кўрсаткичи — 563

Наврри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида еки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.